



ЎЗБЕКISTОН RESPUBLIKASI  
IQTISODIY TARAQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI  
QISQARTIRISH VAZIRLIGI



ЎЗБЕКISTОН RESPUBLIKASI ХАЛҚАРО  
РЕЙТИНГЛАРДА: АМАЛГА ОШИРИЛГАН  
ИШЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

ИЮНЬ  
2020 ЙИЛ

## Ижтимоий-иқтисодий соҳа индекслари ҳақида қисқача маълумот

Аҳоли турмуш даражасини ошириш, давлат органларининг халқ манфаатлари учун хизмат қилишида давлат сиёсатидаги устуворлигини таъминлаш ҳамда мамлакатга кириб келаётган инвестициялар оқимини жадаллаштириш ва инвестор мулкни давлат томонидан ҳимоя қилиш каби мамлакатда турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларни дунё ҳамжамиятига намоён этиш мақсадида турли соҳалар бўйича халқаро ташкилотлар томонидан тузиладиган **халқаро рейтинг ва индекслар** муҳим аҳамият касб этади.

Кўрсаткичлари бўйича юқори баҳоланган ҳар қандай халқаро рейтинглар самараси сифатида ишбилармонлардан тортиб дунё аҳолиси барча қатламнинг эътибори шу мамлакатга қаратилади: инвестицион муҳит, туризм, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланади, бунинг натижасида аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлиги яхшиланади.

Халқаро рейтинг ва индексларни фаолият йўналишига қараб **ижтимоий-иқтисодий** ва **сиёсий-ҳуқуқий** соҳаларга ажратиш мумкин. Бунда иқтисодиёт, ишбилармонлик, бюджет, саноат, инвестиция ва барқарор ривожланиш мақсадларини ижтимоий-иқтисодий соҳага, ҳуқуқ, коррупция, демократия ҳамда бошқарув сифатини сиёсий-ҳуқуқий соҳаларга киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сонли Фармонида асосан **Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги** (кейинги ўринларда Вазирлик) қуйидаги халқаро рейтинг ва индексларга Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини яхшилаш учун масъул этиб белгиланган:

Юритувчи халқаро ташкилот	Индекслар номи	Қачондан бери эълон қилиниши	Қамраб олинган давлатлар сони	Баҳолаш тизими	Бириктирилган илмий тадқиқот институтлари (ПҚ-4210 бўйича)
 THE WORLD BANK	Бизнес юритуш (Doing business)	2003 (ҳар йилда)	190	0-100 балл	Халқаро-ҳуқуқий тадқиқотлар ва қиёсий оммавий ҳуқуқ маркази
 The Heritage Foundation	Иқтисодий эркинлик индекси (Index of economic freedom)	1995 (ҳар йилда)	186	0-100 балл	Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти
 UNDP	Инсон камолоти индекси (Human development index)	1990 (ҳар йилда)	189	0-1.000	Тармоқ бозорлари ва ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги тадқиқотлари маркази
 UNIDO	Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index)	2003 (ҳар икки йилда)	152	0-1.0000	

## Халқаро рейтингларнинг бугунги кундаги ҳолати

Индексни тузувчи халқаро ташкилотлар тегишли даврлар бўйича давлат органлари томонидан эълон қилинган очиқ маълумотлар ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг (World Economic Forum, World Bank, International Monetary Fund, UN, Transparency International ва бошқалар) рейтинг ҳисоботлари натижаларига асосланиб, индикаторлар натижаларини ҳисоблайди ҳамда ўзининг расмий веб сайтларида эълон қилиб боради.

Бизнес юритиш					Иқтисодий эркинлик индекси				
№*	Давлатлар	2019	2020	+/- балл	№*	Давлатлар	2018	2019	+/- балл
1	Янги Зеландия	86.6	86.8	+0.2	1	Сингапур	89.4	89.4	0
2	Сингапур	85.2	86.2	+1.0	2	Гонг Конг	90.2	89.1	-1.1
3	Гонг Конг	84.2	85.3	+1.1	3	Янги Зеландия	84.4	84.1	-0.3
...					...				
25	Қозоғистон	77.9	79.6	+1.7	39	Қозоғистон	65.4	69.6	+4.2
28	Россия	77.4	78.2	+0.8	88	Беларусия	57.9	61.7	+3.8
49	Беларусия	75.8	74.3	-1.5	94	Россия	58.9	61.0	+2.1
...					...				
69	Ўзбекистон	67.4	69.9	+2.5	114	Ўзбекистон	53.3	57.2	+3.9

Инсон камолоти индекси					Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси				
№*	Давлатлар	2018	2019	+/-	№*	Давлатлар	2016	2018	+/-
1	Норвегия	0.953	0.954	+0.001	1	Германия	0.545	0.523	-0.022
2	Швейцария	0.944	0.946	+0.002	2	Япония	0.411	0.399	-0.012
3	Ирландия	0.938	0.942	+0.004	3	Хитой	0.389	0.376	-0.013
...					...				
49	Россия	0.816	0.824	+0.008	32	Россия	0.128	0.105	-0.013
50	Қозоғистон	0.800	0.817	+0.017	47	Беларусия	0.080	0.066	-0.014
50	Беларусия	0.808	0.817	+0.009	69	Қозоғистон	0.046	0.037	-0.009
...					...				
108	Ўзбекистон	0.710	0.710	0	92	Ўзбекистон	2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 92-ўрин		

Изоҳ: \* Энг охириги йил рейтинг натижаларидаги ўрни кўрсатилган.

2020 йилги рейтинг натижаларига кўра Бизнес юритиш ва Иқтисодий эркинлик индексида Янги Зеландия, Гонг Конг ҳамда Сингапурни юқори 3 талик давлатлар қаторида кўриш мумкин.

Индикаторлар бўйича рейтинги юқори давлатлар таҳлил қилинганда, Янги Зеландия Бизнес юритиш индексининг корхоналарни рўйхатдан ўтказиш (100.0) ва кредит олиш индикаторида (100.0), Сингапур контрактлар ижросини таъминлашда (84.5) ҳамда Гонг Конг қурилиш учун рухсатнома олишда (93.5) дунёда етакчилик қилади.

Умр кўриш давомийлиги 85.3 йил, кутилаётган таълим йиллари 18.1 йил, ўртача таълим йиллари 12.6 йил ҳамда аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад 68 059.0 АҚШ доллари бўлган Инсон камолоти индексида Норвегия давлати 2001 йилдан бери (2007, 2008 йиллар бундан мустасно) ушбу рейтингни бошқариб келмоқда.

Бизнес юритиш					Иқтисодий эркинлик индекси					Инсон камолоти индекси				
№	Индикаторлар	2019	2020	+/- балл	№	Индикаторлар	2019	2020	+/- балл	№	Индикаторлар	2018	2019	+/-
1	Корхоналарни рўйхатдан ўтказиш	95.8	96.2	+0.4	1	Мулкчилик ҳуқуқи	49.8	59.1	+9.3	1	Умр кўриш давомийлиги	71.4	71.6	+0.2
2	Қурилиш учун рухсатнома олиш	61.4	61.7	+0.3	2	Суд фаолияти самарадорлиги	34.3	34.2	-0.1	2	Кутилаётган таълим йиллари	12.0	12.0	0
3	Электр таъминоти тизимига уланиш	86.1	86.9	+0.8	3	Давлат яхлитлиги	25.2	28.2	+3.0	3	Ўртача таълим йиллари	11.5	11.5	0
4	Мулкни рўйхатдан ўтказиш	66.6	67.9	+1.3	4	Солиқ юки	91.3	91.6	+0.3	4	Аҳоли жон бошига ЯМД (АҚШ долларида)	6470	6462	-8.0
5	Кредит олиш	65.0	65.0	0	5	Давлат харажатлари	67.4	74.7	+7.3					
6	Миноритар инвесторни ҳимоя қилиш	60.0	70.0	+10.0	6	Фискал саломатлик	98.7	98.9	+0.2					
7	Солиқлар тўлови	76.9	77.5	+0.6	7	Бизнес эркинлиги	72.5	72.6	+0.1					
8	Халқаро савдо	49.8	58.2	+8.4	8	Меҳнат бозори эркинлиги	58.7	59.9	+1.2					
9	Контрактлар ижросини таъминлаш	67.3	71.9	+4.6	9	Монетар эркинлиги	58.9	59.9	+1.0					
10	Тўловга қобилиятсизликни ҳал қилиш	45.2	43.5	-1.7	10	Савдо эркинлиги	62.6	67.6	+5.0					
					11	Инвестициялар эркинлиги	10	20	+10					
					12	Молиявий эркинлик	10	20	+10					

Сўнги рейтинг натижаларига кўра, Ўзбекистон халқаро рейтинглар таснифига кўра, **Бизнес юритиш индексида топ 20-талиқ ислоҳотчи-мамлакатлар**, **Иқтисодий эркинлик индексида давлатда иқтисодиёт асосан эркин бўлмаган давлатлар**, **Инсон камолоти индекси** бўйича **инсон тараққиёти даражаси юқори бўлган давлатлар** қаторидан ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда ўрнини қуйидаги икки йўналиш бўйича изоҳлаш мумкин:

**- индикаторлар кўрсаткичининг ўзгариши:**

**Бизнес юритиш индекси** таркибидаги 10 та йўналишнинг **9 тасида** (*тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишдан ташқари*), **Иқтисодий эркинлик индекси** таркибидаги (*суд фаолияти самарадорлиги кўрсаткичидан ташқари*) **барча индикаторларда** ҳамда **Инсон камолоти индекси** бўйича **умр кўриш давомийлиги** индикаторида 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсишга эришган;

**- индикаторлар ўрнининг пастлиги:** турлари бўйича энг сўнги рейтинг натижаларига кўра, **Бизнес юритиш индекси** таркибидаги **3 йўналиш** (*қурилиш учун рухсатномалар олишда 132-ўрин, халқаро савдода 152-ўрин ва тўловга қобилиятсизликни ҳал қилишда 100-ўрин*), **Иқтисодий эркинлик индекси** таркибидаги **6 йўналиш** (*суд фаолияти самарадорлигида 123-ўрин, давлат яхлитлигида 142-ўрин, монетар эркинликда 175-ўрин, савдо эркинлигида 129-ўрин, инвестициялар эркинлигида 169-ўрин ва молиявий эркинликда 162-ўрин*) ҳамда **Инсон камолоти индекси** бўйича **3 йўналиш** (*умр кўриш давомийлигида 117-ўрин, кутилаётган таълим йилларида 128-ўрин ва аҳоли жон бошига ЯМДда 126-ўрин*) индикатори **жуда паст кўрсаткич** сифатида баҳоланган.

Охириги тўрт йил давомида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш борасида кўплаб шу жумладан, халқаро рейтинг ва индексларда ҳам салмоқли ютуқларга эришилди. Бу ютуқларни Ўзбекистон Республикасининг 2011-2020 йиллардаги халқаро рейтинг ва индекслардаги динамикаси орқали кўришимиз мумкин.

Юқорида келтирилган графикдан мамлакатимизнинг **Бизнес юритиш индекси** бўйича 2020 йил 2011 йилга нисбатан **81 та поғонага**, **Иқтисодий эркинлик индекси** бўйича **49 та поғонага** ҳамда **Инсон камолоти индекси** бўйича эса **7 та поғона** (*2020 йилги рейтинг натижалари 2020 йил декабр ойида эълон қилинишини ҳисобга олиб, 2019 йил якунларига нисбатан олинди*)га юқорилаб, бу борада бир қанча ютуқларга эришаётганини кўриш мумкин.

## Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини ошириш бўйича кейинги режалар

Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган ПФ-6003-сонли Фармоннинг 3-илоvasида 2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг **энг муҳим кўрсаткичлари (KPI)** белгилаб берилган.

Индекслар номланиши		Жорий ҳолат	2020 йил	2022 йил	2030 йил
1	«Бизнес юритиш» индекси (Doing Business Index)	69.90 балл (69-ўрин)	72.43	77.08	89.36
2	Иқтисодий эркинлик индекси (Economic Freedom Index)	57.2 балл (114-ўрин)	57.2	63.6	82.3
3	Инсон камолоти индекси (Human Development Index)	0.710 (108-ўрин)	0.720	0.740	0.820
4	Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index)	2020 йилги рейтинг натижаларига кўра 152 давлат орасида 92-ўрин			

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузини ошириш ва берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлик томонидан ҳар бир индекс бўйича тегишли вазирлик, идора ҳамда илмий тадқиқот институтлари билан **идоралараро ишчи гуруҳ** таркиби тузилмоқда ҳамда **2020 йил иккинчи ярми учун амалга оширилиши зарур бўлган чоратадбирлар режаси** ишлаб чиқилиб, **Республика Кенгашига** тасдиқлаш учун киритилмоқда.